

МЕХНАТ БОЗОРИ ШАРҲИ

II чорак 2024 й.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ
ДЕПАРТАМЕНТИ ТОМОНИДАН
ТАЙЁРЛАНДИ


Меҳнат бозори ҳолати

(2024 йил II чорак)


2024 йилнинг II чорагида меҳнат бозори кўрсаткичлари турли ўйналишларда шаклланди. Дастребки икки ой иш берувчилар томонидан эълон қилинган бўш иш ўринларининг нисбатан юқорилиги билан ажralиб турган бўлса, июнь ойида пасайиш кузатилди. Апрель-июнь ойлари натижаларига кўра, бўш иш ўринларининг ойлик ўртacha сони 35,7 минг бирликни ташкил этиб, I чорак кўрсаткичларига нисбатан 3 фоизга кам бўлди (1-расм).

Июнь ойида бўш иш ўринлари сонининг камайиши мавсумий, жумладан, ўкув йилининг тугаши ва таътил мавсумининг бошланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, июнь ойида ўтган ойлардан қолган бўш иш ўринлари сонининг камайиши (2-расм), бўш иш ўринлари нисбатан тез тўлдирилганлиги ва янги ваканцияларнинг эълон қилинмаганлигидан далолат беради.

1-расм. Эълон қилинган вакансиялар сони, минг. дона.



2-расм. Олдинги даврдан сақланиб қолган вакансиялар сони, %



Манба: Очиқ маълумотларга асосан Марказий банк ҳисоб-китоблари

Онлайн кузатиш натижаларига кўра, II чорақда иш қидириш учун очиқ веб-ресурсларга ташриф буюрувчилар билан бирга кўришлар сони ҳам пасайган. Сўнгги ойларда иш излаш бўйича сўровлар сони қисқаришда давом этди (3-расм). Июнь ойида иш қидириш учун мўлжалланган веб-сайтларга ташриф буюрувчилар сони қарийб 360 минг кишини ташкил этиб, йил боши ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўртacha кўрсаткичлардан бироз пастроқ шаклланди (4-расм).

3-расм. Иш қидириш бўйича сўровларнинг нисбий динамикаси, б.



4-расм. Веб-саҳифаларга ташрифлар сони, минг. киши



Манба: *Web-scraping* орқали олинган очиқ маълумотларга асосан Марказий банк ҳисоб-китоблари

Шу билан бирга, 2023 йилнинг ўрталаридан бошлаб ташриф буюувчилар улушининг мамлакатлар бўйича нисбатида ўзгариш кузатилди. Ички меҳнат ресурсларига ташқи талаб юқори бўлган шароитда хорижий давлатлардан ташриф буюувчилар улуши сезиларли даражада ошди (2023 йил январь-июнъ ойларидағи 24,6 фоиздан 2024 йилда 40 фоизгача).

Умуман олганда, оператив маълумотлар таҳлилиниң дастлабки натижалари иш ҳақлари ўсишининг мақбуллашиши шароитда ишчи кучи таклифининг барқарорлашуви ҳамда ишчи кучига бўлган талабнинг маълум даражада қондирилаётганидан далолат бериши мумкин.

Давлат солик қўмитаси маълумотларига қўра, II чорақда якка тартибдаги тадбиркорлар сони I чоракка нисбатан 23 мингтага ёки 8,8 фоизга ошиб, 287 минг кишини ташкил этди. Юқори ўсиш майший хизмат кўрсатиш соҳасида (+21,3 фоиз) қайд этилган бўлиб, чакана савдо соҳасида тадбиркорлар сонининг ўсиши бироз секинлашган.


Ўз-ўзини банд қилганлар сони барқарор ўсишда давом этмоқда ва июнъ ойи охирига 3,55 млн. кишига етган (жорий йилнинг I чорагига нисбатан 26 фоизга ёки 730 минг кишига кўп). Уларнинг учдан икки қисми майший хизмат (41 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги (26 фоиз) соҳаларида фаолият юритиб, апрель-июнъ ойларида умумий ўсиши 26,6 фоизни ташкил этди. Автотранспорт воситаларини бошқариш соҳасида ўз-ўзини банд қилганлар сони 530 минг кишигача (+36 минг киши) ошди.

Иш ҳақи динамикаси

Жорий чорақда иш ҳақининг йиллик номинал ўсиш суръати 17,4 фоизгача, реал ўсиш суръати эса 7,7 фоизгача секинлашди. Бироқ, жорий йил кўрсаткичларида ўтган йилги индексация таъсирининг сақланиб қолиши ва ўртacha йиллик инфляциянинг нисбатан пастлиги туфайли иш ҳақининг ўсиш суръати бироз юқорилигича қолмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, савдо (+24,6 фоиз), транспорт (+20,6 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (+23,2 фоиз) соҳаларида иш ҳақи жадал ўсишда давом этмоқда. Қурилиш соҳасида иш ҳақи ўсиши ўтган йилнинг иккинчи ярмидан секинлашиб бормоқда. Бу соҳада ишчи кучи таклифининг ошиши асосий омиллардан бўлиши мумкин. Бошқа тармоқларда (саноат, таълим, соғлиқни сақлаш) иш ҳақининг ўсиши ўртacha кўрсаткичлар доирасида қолмоқда.

5-расм. Алоҳида секторлар бўйича иш ҳақи ўсиши, 2021 / ч. = 100



6-расм. Иқтисодиётда иш ҳақи ўсиши суръатлари, %



Манба: Статистика агентлиги маълумотларига асосан Марказий банк ҳисобкитоблари

Трансчегаравий пул ўтказмалари динамикаси ва меҳнат мигрантлари оқими

Йил бошидан трансчегаравий пул ўтказмалари динамикаси Марказий банкнинг апрель ойидаги прогнозларидан бирмунча юқорироқ бўлди. Биринчи ярим йилликда мамлакатга пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 6,5 млрд. долларни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25 фоизга ошди.


Пул ўтказмаларининг сезиларли ўсиши анъанавий мигрант мамлакатлари валюталарининг нисбий барқарорлиги, иш ҳақининг ўсиши, аксарият қабул қилувчи мамлакатларда иқтисодий фаолликнинг юқорилиги, ишчи кучига доимий талаб ва давом этаётган географик диверсификация билан таъминланмоқда.

Мехнат ресурслариға ташқи талаб ортиб бораётган бўлиб, мавжуд бўлган сўнгги маълумотларга кўра, апрель-июн ойларида 3,6 мингта¹ янги бўш хорижий иш ўринлари эълон қилинган.


Бундан ташқари, Европа мамлакатлари, хусусан, Германия ва Швецариядан маълум малакага эга ишчилар учун бўш иш ўринлари таклифи кенгаймоқда.

Мехнат миграцияси географиясининг кенгайиши ва ишчи қучининг ҳалқаро диверсификацияси натижасида АҚШ (+43 фоиз), Германия (+64 фоиз), Польша (+93 фоиз) ва Жанубий Кореядан (+90 фоиз) пул ўтказмалари ҳажми сезиларли ошди.

7-расм. Трансчегаравий пул ўтказмалари динамикаси, млн. долл.



8-расм. Пул ўтказмалари прогнози, ўсиш суръати, %



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

¹ Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги